



2020 йил «20» апрел

№ 240-Қ

Вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори ижросини тامينлаш ҳақида”ги 51-Қ-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида

Туманда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш мақсадида

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги “Дехқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, экин экиш ишларини тизимли ташкил қилиш ҳамда маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 216-сонли қарори ижросини тامينлаш ҳақида”ги 51-Қ-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори билан вилоятдаги шаҳар ва туманлар 4 та сектор раҳбарларига деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаларида баҳорги (эртаки) қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ишларини ташкил этишда хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Р.Ибрагимов, А.Дусмуродов), туман ҳокимиинг ўринбосари-Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими

(Т.Хушмуротов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Э.Дияров)лар деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида жорий йилда камида икки маротаба ҳосил етиштириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини икки баробарга кўпайтиришни таъминлаш мақсадида икки кун муддатда:

қишлоқ хўжалиги экин турларини ва етиштириладиган маҳсулотлар прогноз кўрсаткичларини маҳалла фуқоролари йиғинлари кесимида белгилаш;

“Томорқа хизмати” МЧЖлар томонидан аҳоли моддий-техник ресурслар, биринчи навбатда, уруғлик, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва минерал ўғитларни тизимли етказиб бериш;

сув таъминоти оғир аҳоли пунктларида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига суғориш қудуклари қазиб бериш;

туман Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Ички ишлар бўлими, Давлат солиқ инспекциясининг масъул ходимларидан иборат таркибда туман ишчи гуруҳини шакллантириш ҳамда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида баҳорги (эртаки) экинлар экишни ташкил этиш;

маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчилик билан биргаликда томорқадан самарасиз фойдаланаётган томорқа ер эгаларини огоҳлантириш, огоҳлантиришдан кейин ҳам экин экмаган томорқа ер эгасига белгиланган тартибда ер солиғини оширилган ставкада қўллашни назарда тутувчи қарор қабул қилинишини таъминласин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Р.Ибрагимов, А.Дусмуродов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Э.Дияров), маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари бир ой муддатда:

деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларини мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперацияларига ихтиёрий асосда бириктириш;

мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари талабидан келиб чиқиб, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида экиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари турларининг экилишига кўмаклашиш;

ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажмларини кўпайтириш, белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш чораларини кўрсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Ибрагимов), туман ҳокимининг ўринбосари-Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими (Т.Хушмуратов), Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Э.Дияров), сектор раҳбарлари билан биргаликда деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш ва экин экиш ишларини танқидий

ўрганиб борсин, ҳар бир сектор кесимида томорқадан самарали фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

6. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Э.Пардаев), “Нуробод” газетаси таҳририяти, мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимиинг ўринбосарлари Р.Ибрагимов, А.Дусмуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров